# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 111 (9.303) 1999 йил 22 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайловлар кун сайин тобора яқинлашмоқда. Бу галги сайловларнинг муҳим демократик томони шундан иборатки, унда сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда илк бор сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам ўз номзодлари билан иштирок этишади. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг котиби — котибият бошлиғи Анвар Саъдуллаев билан суҳбатимиз ҳам ташаббускор гуруҳнинг моҳияти, унинг тузилиш тартиби ва фаолияти хусусида бўлди.*

*Долзарб мавзуда*

## ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАР — САЙЛОВЛАРИМИЗДАГИ ДЕМОКРАТИЯ КЎРИНИШИДИР

**— Анвар Набиевич, айтингчи, сайловлар жараёнида сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари билан бир хил ҳуқуққа эга бўлган ташаббускор гуруҳлар қандай тартибда ва неча кишидан иборат ҳолда ташкил этилади, уларнинг фаолият босқичлари қандай кечади?**

— Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Ушбу гуруҳ камида юз кишидан ташкил топганидан сўнг (аъзолар сони ошиши мумкин) қиладиган дастлабки иши, бу мажлис ўтказишдир. Унинг кун тартибида иккита масала бўлади: дастлаб сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили тайинланади ва шу тўғрида қарор қабул қилинади. Кейинчалик бу қарор ваколат олган кишининг ишонч қоғозларини олиш учун асос бўлади. Иккинчи масала — тегишли округдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод кўрсатишдир. Қонун талаби бўйича мажлис баёни ва қарори чиқарилади.

Кейинги босқич шундан иборатки, мажлис баёни ва қарор, унда иштирок этган кишилар тўғрисидаги маълумотлар, хуллас барча керакли ҳужжатлар тайёрланиб, округ сайлов комиссиясига топширилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати, унда гуруҳ аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилади;

сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакилни тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг қарори ва баёни, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёки рўйхатга олиш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли вакилга тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли.

**— Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили кимлардан иборат бўлиши мумкин?**

— Маҳалла, қишлоқ ёки туманда катта ҳурмат-эътибор ва обрўга эга, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни жадаллаштира оладиган юксак онгли кишилар, масалан тадбиркорлар, маҳалла оқсоқоллари, халқ жонкуярлари шундай кишилар сирасига кириши мумкин. Зеро, янгича руҳ билан суғорилган, мустақиллик ғояларига содиқ шу каби кишиларни халқ сайласа, Олий Мажлис депутатларининг савияси ва салоҳияти янада кўтарилади.

**— Ташаббускор гуруҳлар ўз фаолиятини қачон бошлайди?**

— Сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан номзодлар кўрсатиш муддати бошланганидан кейин ташаббускор гуруҳлар ҳам ўз фаолиятларини бошлайдилар. Бу жараён 21 октябрга қадар давом этади. Яъни сайловчилар ташаббускор гуруҳлари шу муддатга қадар барча ҳужжатларни топширишлари керак. Округ сайлов комиссиялари томонидан ҳужжатлар соат 9 дан 18 га қадар қабул қилинади.

**— Ташаббускор гуруҳ камида қанча имзо тўплаши керак ва битта округда нечта ташаббускорлар гуруҳи ташкил этилиши мумкин?**

— Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Яъни ҳар бир округда ўртача 50 мингтадан сайловчи бўлса, бу тўрт минг имзога тўғри келади. Шу жиҳатдан олганда битта округда 10-12 та сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ташкил этилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, ҳар бир сайловчи фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидир.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида тегишли баённи Марказий сайлов комиссиясига топширади.

**— Бугунги кунгача қанча ташаббускорлар гуруҳи округ комиссияларига мурожаат қилди?**

— Ҳозиргача йигирмадан ортиқ ташаббускор гуруҳлар мурожаат қилди ва уларнинг бирортасига ҳам рад жавоби берилгани йўқ.

***Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.***



**Тошкент шаҳар 2-автосарой ҳиссадорлик жамиятида барча русумли автобуслар сифатли таъмирланади. Шу сабабли автобуслар қатновидан ҳамма мамнун.**

**СУРАТДА: (чапдан) муҳандис Фатхулла Юсупов, навбатчи уста Рустам Толипов ва чилангар Руслан Аненковлар.**

*Саноат*

### ПЛАСТМАССАДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«Безак» Ўзбекистон — Гонконг қўшма корхонаси маҳсулотлари бугунги кунда ўзининг сифати билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Корхона мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилаётган пластмассадан тайёрланган эшик ва дераза ромлари ўзининг пишиқ-пухталиги ва замонавийлиги билан ажралиб туради.

Илгари бундай маҳсулотлар мамлакатимизга хориждан валюта ҳисобига келтирилган бўлса, эндиликда Германиянинг замонавий ва қулай дастгоҳлари билан жиҳозланган қўшма корхонада ана шундай зарур қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Шуниси қувонарлики, корхона ўз маҳсулотларига 20 йилгача тўлиқ кафолат бера олади. Ҳозирги кунда жамоада ойига 12-13 миллион сўмлик эшик ва дераза ромлари тайёрланиб, уни буюртмачилар — Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Андижон вилоятлари қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, корхонада маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш борасида ҳам изланишлар давом этмоқда. Келгусида улар хориж билан ҳамкорликда паркет тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидалар.

***Дилфуза ҒАНИЕВА.***

### ХОМ АШЁСИ ЎЗИМИЗНИКИ

Шаҳримиздаги айрим акционерлик жамиятлари ишлаб чиқариш фаолиятларида ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланишмоқда. Натижада тайёр маҳсулот бир мунча арзонга тушаётир. Фикримизнинг далили сифатида «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамиятига эътиборни қаратадиган бўлсак, бу ерда асосан қурилишда ишлатиладиган кафеллар ишлаб чиқарилади. Турли хил рангли ва ҳажмдаги кафеллардан жамоа аъзолари 650 минг квадрат метр ишлаб чиқаришди.

Бозор иқтисодиёти шароитида изланувчан тадбиркорлар ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланган ҳолда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишди. Маҳаллий тупроқ ва қумдан гултувак, гулдон, катта гулдонлар ва қаламдонлар ишлаб чиқаришмоқда. Шу давргача 260 минг сўмлик тайёр маҳсулотнинг 250 минг сўмлиги буюртмачиларга топширилди.

***Гулбаҳор МЎМИНОВА.***

*Қурилиш*

### ШИНАМ УЙЛАР

Пойтахтимизнинг Қоратош мавзесида замонавий ва кўркам турар-жой бинолари қад ростламоқда. Айниқса, мавзе чиройини очаётган 4та 9 қаватли муҳташам уйлар кетма-кет уй соҳибларига топширилмоқда.

Барча қулайликларга эга бўлган турар жой биноларини бунёд этишда 2-уй-жой қуриш комбинатининг 61-қурилиш бошқармаси қурувчилари алоҳида ғайрат кўрсатмоқда.

— Ҳар бири 36 хонадонга мўлжалланган шинам уйлар хонадон эгаларига манзур бўлади, — дейди ишбоши Тоҳир Бердиев. — Уларни бунёд этишда Баҳодир Жабборов, Сергей Пак, Иван Полезов сингари қўли гул қурувчиларимиз алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Мавзега чирой бахш этаётган осмонўпар уйларда пардозлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

***Дилфуза ҒОФУРОВА.***

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда иш бошлаган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция қатнашчиларига табрикнома йўллади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил қорақалпоқ мумтоз адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги кенг нишонланади.

◆ **Бугун** Тошкентда Фидокорлар миллий-демократик партиясининг II қурултойи бўлиб ўтди.

◆ Тошкентда Олимпия шон-шуҳрати музейида Осиё теннис уюшмасининг президенти Иичи Каватей билан учрашув бўлди.

◆ «Ўзбекфильм» киностудияси ўзбек ва ҳинд кино усталари билан ижодий ҳамкорликни давом эттириб, навбатдаги экран асарларини суратга олишни режалаштириб қўйди. Ана шу ўзаро келишувга биноан ҳинд кино санъати намояндалари билан биргаликда «Мафтункор севги» деб номланган янги бадиий фильмни яратиш тараддуди кўрилмоқда.

◆ «Ўзбектелефильм»да ёзувчи Мирзапўлат Тошпўлатовнинг сценарийси асосида суратга олинган «Занжир» фильмининг тақдимоти бўлди.

◆ Пойтахтимизнинг Имом ат-Термизий кўчасида ногирон болаларни даволайдиган «Азизим» деб номланган маданият маркази фойдаланишга топширилди.

◆ Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи шу кунларда одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда пойтахт вилояти меҳнаткашларининг анъанавий ҳосил байрами ўтказилди.

◆ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов раҳбарлик қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги фольклор-рақс болалар «Умид» ансамбли ноябрь ойида Ҳиндистон пойтахтида ўтказиладиган учинчи халқаро болалар театри фестивалида қатнашиш бахтига мушарраф бўлди.

### ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** Москвада собиқ Иттифоқнинг биринчи ва охирги президенти рафиқаси душанба куни кечаси 67 ёшида Германиянинг Мюнстер шаҳридаги касалхоналардан бирида оламдан ўтган Раиса Горбачёва билан фуқароларнинг сўнгги видолашуви бўлиб ўтди.

◆ Туркия махсус хизмати вакиллари Италиянинг ташқи ишлар вазири Ламберто Динига суиқасд уюштирмоқчи бўлган террорчини ҳибсга олди.

◆ Германия ички ишлар вазири Отто Шили амалий ташриф билан Косовога жўнаб кетди. У ўлкада «Косово озодлик армияси»ни қуролсизлантириш жараёни билан танишади.

◆ Замбия олий суди 1997 йилда давлат тўнтаришини амалга оширмоқчи бўлган 59 нафар ҳарбий хизматчини ўлимга маҳкум этди.

◆ Мексикада табиий офат юз берди. Кучли ёғингарчилик оқибатида 12 киши қурбон бўлди, бир неча минг киши бошпанасиз қолди, 40 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди.

◆ Шу йилнинг 7-14 ноябрь кунлари Германиянинг Кельн шаҳрида халқаро санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда Европа, Осиё ва Океан орти мамлакатларидан келган 100 дан ортиқ санъат усталари ўзларининг ноёб асарлари билан қатнашадилар.

◆ Покистонда юз берган темир йўли ҳалокати туфайли 20 киши вафот этди, 53 киши жароҳатланди.

◆ Австриянинг Даниядаги элчихонаси биноси ичига номаълум шахслар томонидан ёқилғи тўлдирилган шишалар ташланди. Натижада бино анча зарар кўрди. Элчихона ходимлари орасида жароҳатланганлар йўқ.

◆ Колумбияда яширин наркотик моддалар савдоси ва наркоманияга қарши курашиш билан шуғулланадиган минг кишидан иборат махсус янги бўлинма ташкил этилди.

◆ «Озодлик» радиоси хабарига қараганда, Европа Иттифоқи Ливияга қарши кўрилган барча иқтисодий чораларни (мамлакатга қурол олиб киришни тақиқлашдан бошқа) бекор қилди.

◆ АҚШ ҳукумати шарқий Тимордаги ҳарбий жиноятчилар устидан суд жараёни ўтказиш масаласини кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт БМТ бош қароргоҳида Бош котиб Кофи Аннан билан учрашувдан сўнг маълум қилди.

◆ Сентябрь охирларига қадар Афғонистонда жойлашган «БАА-2» ҳарбий машқ лагеридан чечен террорчиларига ёрдам бериш мақсадида 100 га яқин араб жангарилари юборилиши режалаштирилган, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Ўш вилоятининг жанубида вазият кескинлигича турибди ва жангарилар тўдалари жанг ҳаракатларини кучайтирмоқда.

Жангарилар якшанбага ўтар кечаси Қирғизистон ҳудудига ёриб ўтишга кўп марта уринди. Бу ҳақда Бишкекда бўлиб ўтган брифингда Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг котиби Бўлот Жонузоқов маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Боткент туманида Газ қишлоғи атрофида жангариларнинг 15 кишидан иборат икки гуруҳи ҳукумат қўшинлари эгаллаб турган жойнинг олдинги марраларини гранатамётлардан ўққа тутган. Жанг уч соат давом этган. Отишма натижасида ҳукумат қўшинларидан бир ҳарбий хизматчи жароҳатланган. Жангарилар талофати тўрт кишидан иборат.

Ўш вилоятининг Қадамжой туманида яна бир тўқнашув бўлди. Жангарилар ҳукумат қўшинларини гранатамётлардан ўққа тутди. Жангариларнинг иккита ўқ отиш нуқтаси яксон этилди, шундан сўнг улар чекинди.

Чўн-Олойда Қирғизистон-Тожикистон чегараси участкасида отишма натижасида ҳукумат кучларидан бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, тўрт киши жароҳатланди. Ҳукумат қўшинларининг разведкачилар ротаси «жангарилар томонидан мина қўйилган участкага дуч келди».

Хавфсизлик кенгашининг котиби жангариларнинг мамлакат ҳудудига ёриб ўтишга, шунингдек, ундан ташқарига чиқишга ҳар қандай уриниши тўсиб қўйилади ва олди олинади, деб таъкидлади. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари бунинг учун «етарли куч ва воситаларга эга», деб таъкидлади у.

Жангарилар эгаллаб турган қишлоқларда бандитлар маҳаллий аҳолини хўрламоқда, одамларни уйларидан кўчага ҳайдаб чиқариб, мол-мулкини тортиб олмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, жангарилар босиб олган қишлоқларда тинч аҳолига мансуб 150 нафар киши бор. Жангарилар йўллар ва сўқмоқларга мина қўймоқда, бу эса тинч аҳоли ҳаётини хавф остида қолдиради. Бандит гуруҳларида ўқ-дори, иссиқ кийим ва озиқ-овқат етишмаяпти, шу боис маҳаллий аҳолини талаш авж олмоқда.

Б.Жонузоқов радиоахборотлардан олинган маълумотларга асосланиб, жангарилар Тожикистон Республикасидаги асосий базаларидан мунтазам равишда ярадорлар учун дори-дармон юборишни сўраётганини айтди.

Боткент туманидаги яна бир қанча қишлоқларда кечаси отишма бўлди. Мудофаа вазирлиги ва ички қўшинлар бўлинмалари бу ерда жангариларнинг кичик отрядлари борлигини аниқлади.

Жангарилар ҳаракатларини таҳлил этиш натижаси улар асосан соат 24.00 дан 4.30 гача 3 кишидан 9 кишигача бўлган гуруҳларга бўлиниб ҳаракат қилаётганини кўрсатмоқда. Сўнгги вақтда жангарилар турлича чалғитиш ҳаракатлари қилмоқда: тунда ҳужум уюштиряпти, Қирғизистон ҳукумат қўшинлари блок постларини ўққа тутаяпти, маҳаллий аҳолидан одамларни гаровга олмоқда ва улардан жонли қалқон сифатида фойдаланмоқда, миш-мишлар, ваҳима тарқатмоқда.

Б.Жонузоқовнинг маълумотларига қараганда, Тожикистон ўз чегара қўшинларини кучайтиришга ваъда берган бўлса ҳам, бу ваъдасини бажармади, чунки жангарилар Тожикистондан, айниқса, Жирғатол тумани орқали Қирғизистонга ўтмоқда.

***(ЎзА).***

*Нуқтаи назар*

## ТАРИХ — ЭНГ УЛУҒ САБОҚ

Кейинги икки ойга яқин муддатда Шимолий Кавказ ва Қирғизистонда рўй бераётган кўнгилсиз воқеалар ҳаммамизни безовта қилиб келаётгани маълум. Бундан илгариги йиллар эса, Афғонистон ва Тожикистон фожеалари ва уларнинг минтақамизга солаётган хавфи ҳақида Юртбошимиз 7-8 йилдан буён неча марта жиддий фикр-мулоҳазалар билдирибгина қолмай, бир қатор амалий чора-тадбирларни ҳам кўрганларини жаҳоннинг кўплаб нуфузли давлат раҳбарлари ҳам эътироф этганлари маълум... Марказий Осиёдаги аҳвол устида қачон бир гап кетса, афғон ва тожик халқлари бошига тушаётган фожеаларга оид аниқ далиллар санаб ўтилади. Бу ҳам аллақачондан буён ҳаммага маълум бўлган гаплар. Нега шу қадар очиқ-аён мавзуга тез-тез мурожаат қилиб келинган экан?

Чунки Афғонистон ва Тожикистонда шу вақтгача кети кўринмаётган ўта мураккаб, ўта чалкаш, чигил воқеа-ҳодисалар ахир бир кун келиб қўшниларига ҳам ёйилишини тўғри фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлмаган ҳар бир фуқаро пайқай олади. Зеро, бирон ҳарбий техника ишлаб чиқара олмайдиган ҳудудларда энг замонавий қурол-яроғларни қўллаётган қора кучлар орқасида мадад бериб турганлар бўлмаса, хунрезликлар бу қадар чўзилмас, авжга чиқмас эди-ку...

Демак, Қирғизистоннинг Тожикистон ва Ўзбекистон чегараларига туташ ҳудудларидан бизнинг республикамизга томон кўз олайтираётган ёвуз ниятли кучларга манба бўлиб турган ерларнинг эгалари аввало ўз хавфсизликлари, шу билан бирга қўни-қўшниларининг ҳам тақдири ҳақида ғоят жиддий ўйлаб иш кўришлари зарур бўлиб чиқади. Ўзларини «ислом давлати» тузувчилар деб атаётган террорчилар, босқинчилар, инсоният бошига кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кулфатларни солишдан заррача тортинмаётганликлари бугунги кунда яна бир бор ҳаммага маълум бўлиб қолди. Динни рўкач қилиб, аслида бирон динга мансуб қонун-қоидаларга риоя қилмайдиганларда иймон-эътиқод қаёқдан бўлсин?! Агар террорчилар орасида қозоқ, қирғиз, тожик, афғон, араб, покистонлик ва яна аллақандай халқ ва миллатларга мансуб кимсалар бўлса, уларда халқ, миллат, давлат, ватан, иймон сингари энг муқаддас тушунчалар қаёқдан бўлсин? Бундай фазилатлардан маҳрум жонзотлардан дунёга фақат фожиалар ёғилган эмасми?!

Агар сел ёғса, аввал нишаби қулайроқ ерлардан оқади, кейин бошқа жойларни ҳам босиб кетади. Қўпорувчи кучларга Тожикистондан Қирғизистон жанубига кириб олиш қулай бўлди, бостириб кирди, 5 кишини гаровга олди ва йўлларини тозалаб қўйиб, Ўзбекистонга тўсиқсиз ўтиб кетиш шартини қўйишини ким қандай идрок этади? Кўп узоқ эмас, бундан 7-8 йиллар илгари Марказий Осиё республикалари мустақилликка энди қадам қўймоқда бўлган кезларда минтақамизда қандай хавф-хатарли воқеалар кечгани эсдан чиқдими? Минтақамиздаги беш қардош республика халқлари ўртасида бир амаллаб зиддиятлар чиқарган, буларни гиж-гижлаб, «олиштириб» қўйиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилувчи кучлар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Улар ниятларидан қайтишмаган. Ҳамон аҳвол шундай экан, бир вақтлар «Туркистон умумий уйимиз» деган шиор остида ҳаракат қилишни тавсия этилгани тўғри бўлиб чиқаётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Худди шундай интилишлар асримизнинг 20-йилларида шўролар эндигина ҳокимиятга келган вақтда ҳам айрим етук даҳоларимиз томонидан ўртага ташланган, Туркистон минтақасидаги барча миллатларни тинч-тотув оғаини, ёру биродарлар бўлиб яшашга даъват этилган эди. Ахир дини, тили, иймон-эътиқоди, турмуш тарзи бир-бирига қоришиб кетган, қуда-анда, қон-қариндошликда яшаётган халқ ва миллатлар ҳаммаси ва ҳар бирига тенг тааллуқли воқеаларга муносабатга келганда, бир ёқадан бош чиқариб иш қилса, ўз фаолиятларида шунга амал қилса, бу фақат эркинлик, озодлик, мустақилликни сақлаб қолишга кафолат бўлади. Мураккаб вазиятларда турли баҳоналар билан лоқайдлик ёки сусткашликка берилиш — барчага баробар зарардан бошқа нарса эмас...

Ўзбекистон раҳбарияти, республикамиздаги барча табақага мансуб фуқаролар бизнинг мустақиллигимизга кўз олайтириб келаётган ёвуз ниятли қора кучлар борлигини кўриб, сезиб турибдилар. Бор имкониятларни ишга солиб, республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, кенг миқёсда олиб борилаётган катта-кичик бунёдкорлик ишларини ўша ёвузларни даф этиш билан қўшиб олиб борилаётгани жуда катта аҳамият касб этади. Агар тинчлик, сиёсий барқарорлик бўлмаса, иқтисодий ривожланиш қаёқдан келарди?!

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан халқимиз, Президентимиз номига келган табрикномаларда — айнан шу фикр-мулоҳазалар етакчилик қилаётгани боиси ҳам шу нуқтага бориб тақалаётгани бежиз эмасдир.. Бироқ бир гуруҳ жиноятчи тўдалар халқаро экстремистик кучларга таяниб, Марказий Осиёга таҳдид солаётган экан, уларга қарши курашда фақат биз эмас, бизнинг дўст-биродарларимиз ҳам бир жон-бир тан бўлиб иш кўришларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бизнинг душманимиз — ёнимиздаги қўшнимиздан жой ололмаслиги, унда ёвузлик марказларини шакллантирмаслиги шарт эмасми?! Кейинги воқеалар ривожи таҳлили экстремистик кучлар минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолияти олиб боришда ўзаро бирлашиб иш кўраётганлигини кўрсатмоқда.

Модомики шундай экан, Ватанимиз, миллатимиз, мустақиллигимизни сақлаб қолиш, уни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш Марказий Осиёдаги давлатларнинг, ҳатто ундаги ҳар бир фуқаронинг чинакам ватанпарварлик бурчи бўлиб қолади, бундан бирор кимсанинг четда қолиши мумкин эмасдир...

**Аҳмад АЛИЕВ.**

Аёл борки, олам мунаввар

# КАМТАРИН ВА МЕҲРИБОН



*Лола Азларовна Ғуломова. Бугунги кунда бу ном кўпчиликка таниш. Барча ҳамшаҳарларимиз қатори Юнусобод аҳли ҳам бу номни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Чунки камтарин ва меҳрибон шифокорнинг марҳамати ва мурувватидан улар кўп марталаб баҳраманд бўлишган, унинг шифобахш қўлларида дардларига даво топишган.*

Бу жонкуяр ва куйди-пишди инсон ҳақида ўйлаганимда у билан турли йилларда, турли вазиятларда кечган суҳбатлар ва ҳаётий воқеалар кўз ўнгимда жонланаверади.

Яқин бир қариндошимиз шифохонада даволанаётган экан. Кўргани бордим.

— Беморхонага кириш мумкин эмас, — деди навбатчи ҳамшира йўлакка киришимиз билан. — Бош шифокоримиз ўринбосари Лола Азларовна бўлимларни айланиб юрибдилар.

Соатга қарадик. Унинг миллари 21.00 ни кўрсатарди.

— Уларнинг одатлари шунақа, — деди ҳамшира фикримизга тушунгандек. — Ҳар куни ҳаммаёқни кўздан кечириб, хотиржам бўлгач, уйга қайтадилар.

Ҳамширанинг бу гапида катта маъно бор эди. Дарҳақиқат бундай одат Лола опанинг ўз ишига масъулият билан қарашидан далолат эди. Рўзғор ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётган аёлнинг эрталабдан тун алла-палласигача ишхонада қолиб кетиши касбига фидойиликнинг яққол далили эмасми?!

Бир куни Лола опани тасодифан кўчада учратиб қолдим. Хаёллар оғушида борар эди. Бир кўнглим индамай ўтиб кетгим келди, лекин ташвишли қиёфасини кўриб, нима гап экан, деган маънода тўхтатдим.

— Кўришганимиз яхши бўлди-да, — деди у қисқа салом-аликдан сўнг. — Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Тинчликми ўзи?

— Бировнинг жонига қасд қилган одамни қотил дейишади, тўғрими?

— Шундай.

— Лекин лоқайдлик, сансалорлик, тўғрироғи ўз бурчига эътиборсизлик туфайли ҳаётдан умидвор, яшашга ҳақли бўлган бир инсоннинг ўлимига сабабчи бўлган шифокорни нима деб атамоқ керак?

Ўсмоқчилаб турганимни кўриб саволимга Лола опанинг ўзи жавоб бераққолди:

— Унинг ҳам қотилдан асло фарқи йўқ. Ахир инсон саломатлиги йўлида бор кучи, маҳорати, билимини ишга солишга онт ичган, лекин ўша табаррук қасамёдга бутунлай нолойиқ иш тутган, шунинг орқасида бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган шифокорни бундан ўзга нима деб аташ мумкин.

Ҳозир шаҳар бош шифокорларининг йиғилиши бўлди. Кеча тунда бир касалхонага ёшгина йигитни олиб келишибди. Навбатчи врач оғриқ азобидан ранглари синиқиб кетган беморни яхши текширмай туриб, уни сариқ касалига чиқарибди-да, бошқа шифохонага жўнатибди. У ердагилар йигитнинг касалини айтишиб, яна изига қайтаришибди. Бу орада ўтган 2-3 соатлик вақт бемор ҳаётига нуқта қўйибди. Бечора йигит хирург столига етмай, кўричаги ёрилиб, оламдан ўтибди. Бу гапни эшитиб эзилиб кетдим.

— Ўша лоқайд шифокорга тегишли жазо бериш керак, кўзи очилсин, — дедим вазиятни юмшатиш учун.

— Сиз ҳам тушунмадингиз, — деди Лола опа ўксингандек бўлиб, — гап жазодами? Кошки шу билан ўша йигит тирилиб келса. Гап бу ерда инсон ҳаёти устида кетяпти.

Лола опанинг ўта жонкуяр ва фидойилигига яна бир карра тан бердим-да беихтиёр унинг ўзи билан боғлиқ бўлган бир воқеани эсладим.

Ўшанда ҳам шундай бўлганди. У кўнглидан кечиб турган саволлар билан мени танг ҳолатга солиб қўйганди.

— Менга айтинг-чи, инсоннинг яшашдан мақсади нима? Унинг қалбида яхшиликдан нишон бўлмаса, буни нима деса бўлади?

Саволларга жавоб беришга улгурмасимдан гапира кетди:

— Биласиз, ўзим шифокорман. Деярли қирқ йилдан бери шу соҳада ишлайман. Шу даврда қанча-қанча беморлар билан учрашдим, суҳбатлашдим. Оғир аҳволда ётган ночор кишиларни ҳаётга қайтариш учун ўлим билан олишдим. Умрим давомида содир бўлган ҳар қандай қийинчиликларни сабот билан енгдим. Лекин мана бу хатга келганда чидай олмадим, — (у бир хат олиб, қўлимга тутқазди). — Алам билан йиғладим. Биласизми...

Унинг томоғига бир нарса келиб тиқилди, гапиролмай қолди.

Кўзим сатрлар устида йўрғалаб кетди.

«Ҳурматли Лола опа. Ёзаётган ушбу мактубим балки сизга ғайри-табиий туюлар, балки уни ўқиб, мазмунини чақиб ўтиришга вақтингиз ҳам йўқдир. Фикри хаёлингиз беморлар дардига даво излаш билан бандлиги ҳам менга аён. Лекин наилож. Мен ҳам инсонман. Юрак сирларимни кимгадир очгим келади. Ўйлаб-ўйлаб бор дардларимни сизга тўкиб-солишга аҳд қилдим опажон.

Сизни опа, деб атадим. Кўнглингизга оғир ботса кечирасиз, албатта. Эсингиздами, бундан икки йил муқаддам мен қаттиқ шамоллаб бетоб бўлиб қолганимда яхши одамлар ёрдамида сиз ишлаётган шифохонага борган эдим. Шунда бизни худди эски қадрдонлардек кутиб олгандингиз. Дардимга малҳам бўлгандингиз. Бироқ, оёқларим мажруҳлигини кўриб, менга узоқ тикилиб қолгандингиз. Юракдаги ачиниш ҳисларини ўшанда юз-кўзингиздан сезиб олганман.

Миннатдорчилик билдириб, ҳузурингиздан чиқаётганимизда мени меҳр билан қучоқлаб, бағрингизга босганингиз ҳали ҳам кўз олдимдан нари кетмайди. Сиз билмайсиз, ўшанда мен йиғлаганман. Лекин сизга билдирмаганман. Ҳўнграб, кўнглингизни бузишни истамаганман. Билмайман, эсимни таниб ўз онамни қучоқлаб, тўйиб ўпмаганим учунми, унинг бағрида эркаланишдан бенасиб бўлганим учунми, сизнинг бу меҳрибонлигингизни сира-сира унутолмайман.

Биласизми, мен онадан «тирик» етим қолганман. У мажруҳлигимни билиб, туғруқхонадаёқ мени ташлаб кетган экан. Мендек ожиз қизчани фарзандим деб аташдан ор қилган экан. Отам эса бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтибди. Мен яхши кишилар ёрдамида катта бўлиб, мактабга бордим. Баъзида онам билан сизни хаёлан таққослайман. Сиз қайноқ меҳрингиз, шифобахш қўлларингиз билан одамларга бахт бағишлаб, уларга умр берасиз. Онам эса инсон бахтига зомин бўлиб, умрига эгов бўлади...

Хатнинг давомини ўқий олмадим. Ҳолатимни Лола опа тушунди шекилли, менга қараб шундай деди:

— Шу мактубни 10 яшар қизча ёзганига ишонмайсан. Лекин бориб кўргач, у билан суҳбатлашиб, ҳаммасига ишондим.

Энди айтинг-чи, бировлар ёрдамига муҳтож шу митти қалбга мурувват кўрсатмай бўладими? Сени ўзига энг яқин олиб, бутун ички дунёсини тўкиб-солган қизалоққа ёрдам қўлини чўзмай бўладими? Бу менинг ишим эмас, мен катталарнинг шифокориман, бу касаллик бизнинг соҳага кирмайди, десам бу қизалоқнинг барча орзу-умидларини чилпарчин қилган бўлмайманми? Қолаверса, бундай муносабатга виждон йўл қўярмиди? Бугун Раънохоннинг олдига бориб, унга албатта ёрдам беришимни айтдим. Кўнгли тоғдек кўтарилди. Меҳр билан бўйнимга осилди. Ўксиб йиғлади...

Орадан йиллар ўтди. Раънохоннинг тақдири билан қизиқиб, у ҳақда сўраганимда, Лола опа: «Вой, сизга айтмадимми, эртасигаёқ уни керакли шифохонага олиб борганман. Икки марта операция қилишди. Ҳозир у бутунлай тузалиб кетган. Мени йўқлаб, тез-тез олдимга келиб туради», деди.

Ўшанда мен Лола Азларовнанинг бу олий ҳиммати ҳақида газетага ёзмоқчи бўлганимда у: «Ҳали вақт эрта, кейинроқ ёзарсиз», деб унамаган эди.

Тақдир тақозоси билан ўзим ҳам Лола Азларовна ишлайдиган 17-шаҳар шифохонасига тушиб қолдим. Шу кезларда у касалхонанинг терапия бўлимини бошқарарди. Беморхонада тўрт киши эдик. Ҳамхоналаримиздан биттаси — Низомжон деган йигитнинг аҳволи кун сайин ёмонлашиб борарди. Лола опа эрталаб ишга келиши билан биринчи навбатда Низомжондан хабар оларди. У беморнинг нафас олиши ва томир уришини синчиклаб текшираркан, ҳамиша: «Қалай, яхшими, кечаси безовта бўлмадими?» деган бир хил савол билан бизга мурожаат қиларди. Унинг бу сўз оҳангида бемор дардига нажот изловчи қандайдир бир илтижо бўлардики, биз палатадошлар севимли шифокоримизни кўнглини кўтариш учун ақалли бир оғиз сўз айтишга ожиз эдик.

Низомжоннинг умри узун эканми ёки Лола опанинг тинимсиз меҳрибонлик билан қилган муолажалари туфайлими, ҳарқалай ҳамхонамиз ёстиқдан бош кўтарди. Аста-секин оёққа турди. Ўшандаги унинг қувончи, Лола Азларовнага билдирган миннатдорчилигини сира эсимдан чиқаролмайман.

Биз юқорида Лола опанинг ҳаётидан бир-икки лавҳа келтирдик, холос. Аслида унинг бундай инсонийлик фазилатлари, фарзандларига ўта меҳрибонлиги хусусида жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ахир аёл боши билан ҳам ишлаб, ҳам рўзғор тебратиб, давримизга мос ўғил-қизларга ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбия беришнинг ўзи бўладими?

...Бугун Лола Ғуломованинг мўъжазгина столи табрик телеграммалари билан тўлиб-тошган. Дўстлари, яқинлари, шифокорнинг қўлидан дардига даво топган инсонлар Лола опанинг 60 йиллик муборак ёши билан қизғин табриклашади. Биз эса тўйхат ўрнидаги дил сўзларимизни қоғозга тушириш билан чегараландик, холос. Агар шу билан Лола Азларовна ҳаётининг бир заррасини ёрита олган бўлсак, мақсадимизга эришибмиз деб ҳисоблаймиз.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

Муносабат

# ТЎЙЛАРИМИЗ ИХЧАМ, ДАВРИМИЗГА МОС БЎЛСИН!

*Ҳозир айни пишиқчилик, тўкинчилик, тўйлар кўпайган палла. Президентимизнинг ўтган йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг тўйларни бирмунча тартибли, ихчам ўтказиш одат тусига кириб қолган эди. Бу ишда маҳалла оқсоқоллари, тўй комиссияси аъзоларининг саъй-ҳаракатлари яққол сезила бошлади. Бироқ айни кунларда ҳали ҳам орамизда дабдаба билан ўзи хоҳлаганча тўй ўтказаётганлар ҳам учраб турибди. Шу муносабат билан ҳамшаҳарларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.*



**● Моҳира ТУРОБОВА, кўп болали она:**

— Президентимизнинг ўтган йилги тўйлар, тантаналарни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонлари биз каби кўп болали оилаларни беҳад қувонтирди. Чунки биз ўзбекларнинг тўйи неча йиллаб орзиқиб кутилади. Катта тантана билан нишонланиб, дастурхон безаб, элга ош берилади. Бу албатта азалий одатимиз. Лекин, илгариги тўйлар билан ҳозирги тўйларнинг фарқи жуда катта. Халқимиз тўйсевар, меҳмондўст, кўнгли очиқ, сахий халқ. Аммо, «сахийман» деб ортиқча сарф-харажат қилиб, ҳаммага ўзини кўрсатиш, манманлик билан дабдабали тўй қилаётганлар яна кўпайиб қолди. Агар мен сингари кўп болали оналар ҳам шундай тўй қиладиган бўлсак, бутун умр топганимиз етмайди, албатта. Бундай тўй қилиш учун билмадим, фақат эгри йўл билан пул топадиган бўлиш керак. Ўнта фарзандим бор. Олти фарзандимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Доим турмуш ўртоғим билан бўлғуси қудаларимизнинг уйларига бориб тўйни иложи борича ихчамлаштириб, спиртли ичимликсиз, ортиқча сарф-харажатсиз, чиройли ўтказишни келишиб оламиз. Бундан буён ҳам шундай қилиш ниятимиз бор. Чунки фарзандларимиз кўпроқ пул топишни эмас, ўқишни ўйлашади. Ҳаммалари ақлли-ҳушли, Оллоҳга шукр.

**● Баҳром САИДОВ, хизматчи:**

— Халқимиз меҳмондўст, қўли очиқ. Тўйларимиз шунинг учун файзли, хурсандчилик билан ўтади. Ота-она бу кунларни сабрсизлик билан орзиқиб кутади. Фарзандининг фақат бахтли бўлишини тилайди. Лекин фарзанди бахтидан кўра тўй баҳона ўзини маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар орасида кўрсатиб, манмансираб тўй қилаётганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Яқинда бир дўстим қиз чиқармоқчи эканини айтди, негадир кайфияти ёмонлигини сезиб сўрадим:

— Нима гап, тўйга норозимисан, нега хафа кўринасан? Кам-кўстинг кўпми? Ғам ема, дўстим, тўй кўпчилик билан, қараб турмаймиз, қаддингни кўтар, дедим уни юпатиб. Дўстим секин гап бошлаб, дардини тўкиб солди:

— Э оғайни, биттаю битта қизим. Узоқ бир қариндошимизга беряпман. Жуда бамаъни одамлар. Куёв ҳам яхши йигит. Кеча қудаларимиз келиб: «Тўйни келишиб, ихчамроқ ўтказсак. Мебелнинг бир қисмини, яъни ётоқхона мебелини биз олмоқчимиз, бундан ташқари чарларини йўқ қилсак-да, келин оила аъзолари, яқинлари билан бир ойдан сўнг танишув сифатида келса, сизлар нима дейсизлар», деб сўрашди.

Менга бу гаплар жуда маъқул бўлди. Лекин хотинимнинг авзойи бузилиб, қаттиқ, аччиқ гаплар айтиб юборди. У кишига ёрдам керак эмасмиш. Битта-ю битта қизини бировнинг ёрдамисиз, кам-кўстсиз узатармиш. Нега чарлар бўлмас экан, хотин эмас, қиз беряпман. ЗАГС ҳам кичик тўй. Бу кунни неча йил кутиб келяпмиз. «Волга-ю» «Мерседес», лимузинлар қаторлашиб сигнал бериб келишини, кейин кафеда ўтириш албатта бўлишини айтиб, қудаларимизни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйди. Менга ҳам қулоқ солмади. Қудалар олдида жанжал чиқмасин деб секин чиқиб кетдим. Билмадим, энди тўй қандай ўтади. Хотиним жуда катта кетяпти. «Дабдабали тўй қиламиз, қарз оламиз, пул топилади, обрў олишимиз керак» дейди. Нима қилишни билмай, бошим қотди, — деди дўстим чуқур уф тортиб.

Тўғриси, унинг аҳволига ачиндим. Бундай бефаросат, қизининг бахтини эмас, ўз обрўсини ўйлаётган аёлга нисбатан нафратим ошди.

**● Сурайё ОТАХОНОВА, уй бекаси:**

— Тўйга тўй улансин. Ҳаммамизни тўйга етказсин, деб ният қиламиз. Олти фарзандим бор. Фарзандларим вояга етиб, тўй қилиш тараддудидаман. Ўтган йил Президентимизнинг тўй-ҳашам ва турли маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонларини эшитиб бениҳоя хурсанд бўлдим. Йилдан йилга дабдаба билан меъёрдан ошириб тўй қилаётганларни кўриб, наҳотки бундай ўтаётган тўйларга ҳеч ким бирор чора кўрмаса, деб ўйлаб юрардим. Оллоҳга шукр. Ва ниҳоят ўша Фармондан кейин бундай тўйларга чек қўйилди.

Рост-да, тўйлар ихчамлаштириб, икки томон келишилган ҳолда, тугунларни камайтириб, спиртли ичимликсиз ўтказилса, тўй эгаларига ҳам енгил бўлади, тўй ҳам чиройли ўтади.

Яқинда бир қўшнимиз тўй қилди. Ўғил уйлантирди. Икки томон келишиб, ЗАГСни никоҳ куни келин келгач, ўтказишди. Келин-куёв бир-бирларига узук тақишди, ЗАГС ходимаси икки ёшни қутлаб, уларга бахт тилаб, никоҳ гувоҳномасини гулдурос қарсаклар ҳамда «Тўйлар муборак» қўшиғи остида ёшларга топширди. Яқин ака-ука, опа-сингил, ёру биродарлар гулдасталар билан қутлашди. Тўй жуда чиройли ўтди. Кўпчиликнинг ҳаваси келди. «Э, бўларкан-ку шунақа тўй қилса ҳам, ЗАГСни никоҳ кунида бирга ўтказса. Шундай қилиш керак, энди» деганлар кўп бўлди.

Ҳа, бу ўзимизга боғлиқ, албатта. Ҳар бир маҳаллада тўй комиссияси аъзолари бор. Улар тўй бўлаётган хонадон аъзоларига тушунтириб, тўйларни назорат остига олишса, кўнгилдаги иш бўларди.

*Ҳамшаҳарларимиз дил сўзларини Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.*

Ибратнома

# ФАҚАТ ЯХШИЛИКДИН ШИОР КЕЛТИРИНГ...

♦ Осонлик билан келмас шодлик, фароғат,
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.

**Фахриддин ЖУРЖОНИЙ.**

♦ Мард эрсанг Ватанни этгил ҳимоят,
Қон ювилсин гуноҳ, жиноят.

**Абулқосим ЛОҲУТИЙ.**

♦ Синамай бировни дўст тутсанг,
Нолима, шу дўстдан қон ютсанг.

**Абу Шукур БАЛХИЙ.**

♦ Руҳий азоб чекиш касаллик келтириб чиқаради ва азоб-уқубатни оғирлаштиради.

**И.Л.ДАНИЛЕВСКИЙ.**

♦ Ғамга берилсанг у сени баттар гирдобига торта беради.

**В. ШЕКСПИР**

♦ Қалбда йиғилиб ётган адоват кул устидаги чўққа ўхшайди.

**«Калила ва Димна»дан.**

♦ Бир дамлик жаҳолат қисқа муддатли девоналикдир.

**К. ГОРАЦИЙ.**

♦ Тезда жаҳолатга кетишлик биров айби учун ўзини қурбон қилмоқ демакдир.

**Ж. СВИФТ.**

♦ Юпитер, сенинг жаҳлинг чиқаяпти, демак сен ноҳақсан.

**ПРОМЕТЕЙ.**

♦ Ҳурматсизлик — ночорнинг иши.

**Ж.Ж.РУССО.**

♦ Болалик чоғларингиздан бошлаб, то мункайиб қолгунингизча асаб системангизни асранг.

**И. САРКИЗОВ-САРАЗИНИЙ.**

♦ Кулги аъзои баданга жавлон беради, умрни узоқ қилади.

**И. ПАВЛОВ.**

♦ Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам билгил яхшироқ.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

♦ Дилдош кишилар тез соғаядилар, узоқ умр кўрадилар.

**А. ПАРЕ.**

♦ Кишидаги хурсандлик олижаноб хусусиятдир.

**Ф. ДОСТОЕВСКИЙ.**

♦ Фақат яхшиликдан шиор келтиринг,
Агар-қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг.

**Абулқосим ФИРДАВСИЙ.**

♦ Чинакам хушмуомалалик одамларга нисбатан мурувватли бўлишдан иборат.

**Ж.Ж.РУССО.**

♦ Юрабилиш, турабилиш, гапирабилиш, муомала қилабилиш — булар арзимас нарсалар эмас.

**А. МАКАРЕНКО.**

*Донолар фикрини тўпловчи кекса педагог: Фахриддин НУРИДДИНОВ.*

Тинчлик — улуғ неъмат

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИДА

*Давлатимизда Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолият кўрсатаётганига ҳам 3 йилдан ошди. Пойтахтимизда эса 1996 йилдан бери Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ўз фаолиятини олиб бормоқда.*

Бошқарма қошида раҳбарият таркибини фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёрлаш маркази мавжуд. Унинг вазифаси Тошкент шаҳридаги раҳбар ходимларни, халқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини, маҳаллий бошқарув фаолларини фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўқитишдир. Бунинг учун ўқув марказида барча имкониятлар яратилган.

Маълумки, пойтахтимизда юзлаб халқ хўжалиги объектлари ишлаб турибди. Табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар ҳар дақиқа, ҳар сонияда юз бериши мумкин. Шу сабабли ҳар бир фуқаро унинг қаерда ва қайси лавозимда фаолият кўрсатишидан қатъи назар фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тез ва аниқ қандай ҳаракат қилиш кераклигини билиши лозим.

Яқинда ўқув марказида 1999—2000 йилларга режалаштирилган ўқув машғулотлари бошланди. Ушбу машғулотларнинг ўтказилишини Тошкент шаҳри фуқаро муҳофазаси бошлиғи — пойтахт ҳокими К. Н. Тўлагановнинг доимий назорати остига олинганлиги ушбу масалага бугунги кунда қанчалик муҳим аҳамият берилишининг яққол исботидир.

Куни кеча пойтахтимизнинг халқ хўжалиги тоифалаштирилган ва ўта муҳим объектлари раҳбарларидан иборат тингловчиларнинг бир гуруҳи ўқув машғулотларини тугатдилар ва уларга ушбу ҳақда тегишли гувоҳномалар берилди. Улар орасида «Фотон» акционерлик жамиятининг бош директори В. Г. Татеосов, «Ўзавтосозлаш» бирлашмасининг раиси В. М. Латипов, «Тошкентсут» АЖ раиси Р. Х. Мирқосимов ва бошқа бир қатор тажрибали раҳбарлар бўлиб, улар корхонада фуқаро муҳофазаси ишларини ташкил этиш масалаларида ўз билимларини янада оширганларидан мамнун бўлдилар. Хусусан, «Ўзавтосозлаш» бирлашмасининг раиси В. М. Латипов бундай ўқув машғулотларининг фойдалилигини таъкидлаб, шундай деди:

— Бугунги кунда ташкилот ва корхона раҳбарлари фуқаро муҳофазаси масалаларига жиддий эътибор бериши зарур, чунки уларнинг асосий вазифалари мамлакат иқтисодиётига зарар етказилишининг олдини олиш ва халқимиз ҳаётини сақлашдан иборатдир. Ўйлайманки, шу марказда таълим олган раҳбарларнинг ҳаммаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалаларининг аҳамиятини тушуниб, бунга бутунлай бошқача эътибор беришади.

Марказ навбатдаги ўқув машғулотлари тингловчиларини кутмоқда.

*Равшан РАЗЗОҚОВ, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими, капитан.*

Қадриятларимиз

# БЕБАҲО МАНБАЛАР ХАЗИНАСИ



Одамзоднинг етуклиги кўп жиҳатдан тарихга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади. Зеро, тарих инсонлар амал қиладиган, қилаётган урф-одатлар, анъаналарда яшаб келади.

Ўзлигини, ота-боболарнинг маънавий меросини, қадриятларини ҳурмат қилган халқ мозий билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, манбаларни кўз қорачиғидай сақлаши керак ҳозирги вақтда. Лекин, кўпчилигимиз зиммасига юклатилган ана шундай масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келаётган ташкилотлар, яъни архив муассасалари хусусида айтарли маълумотга эга эмасмиз.

Шунинг учун ҳам қуйида юртимиздаги шундай муассасалардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ушбу архив бундан 55 йил муқаддам ташкил топган бўлиб, ҳозирги пайтда архивда сақланаётган ҳужжатлар Туркистон ва Ўзбекистоннинг 1866 йилдан 1995 йилга қадар бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётига тааллуқлидир. Уларнинг асосий қисмини суратлар негативлари ташкил этади.

Суратларда шаҳар ва қишлоқларнинг кўринишлари, косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончиликка боғлиқ лавҳалар, халқнинг турмуш шароитлари тасвирланган.

Шунингдек, архивда сақланаётган кино тасмаларда юртимизда 1936 йилдан бери содир бўлган диққатга сазовор воқеалар акс эттирилган.

Шулар билан бир қаторда архивдаги овозли ёзувлар, магнит тасмалари ва грампластинкаларда эса ўзбек халқининг таниқли санъаткорлари, сиёсий арбоблари ва фан намояндаларининг овозлари авлодлар учун сақланиб келинмоқда.

Биз, архивчилар мунтазам равишда архив ҳужжатлари асосида турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этиб борамиз, Ўзбекистон телевидениеси, радиоси, вақтли матбуот таҳририятлари билан ҳамкорликда кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаймиз.

Шунингдек, архивимиздаги манбалардан музейлар экспозициялари, телевизон кўрсатувлар тайёрлаш, кино ва ҳужжатли фильмлар яратишда кенг фойдаланадилар.

*Дилбар ЗОКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ҳужжатлардан фойдаланиш бўлими мудири.*



СУРАТЛАРДА: архив хазиналаридан ўрин олган юртимиз тарихига оид ноёб тасвирлар.




*Теннис*

# ЧЕМПИОНЛАРГА КОМПЬЮТЕР ТОПШИРИЛДИ

***Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг теннис кортларида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ташаббуси билан илк бор ташкил этилган «Болалар» мусобақалари бўлиб ўтди.***

БМТнинг Ўзбекистондаги тараққиёт дастурини амалга ошириш, ёш теннисчилар маҳоратини ўстириш, мураббийлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш мақсадида ўтказилган «Болалар» мусобақалари катта-кичик теннис ихлосмандларида катта таассурот қолдириб, юртимизда ёш иқтидорли теннисчилар кўплаб етишиб чиқаётганини яна бир карра исботлади. Зеро, беш кун давомида 64 нафар ёш ҳамшаҳарларимиз бош совсрин — замонавий компьютерларнинг соҳиби бўлиш учун астойдил тер тўкишди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Испаниядаги нуфузли Мануэл Орантес номидаги теннис академиясида таҳсил олган уч ҳамшаҳримиз — Мурод Иноятов, Комила Дадахўжаева ва Фаррух Дўстовларнинг барчаси ўз рақиблари устидан ишончли ғалабаларни қозониб, финалга йўлланма олишди.

Шундай қилиб 1983-85-йилларда туғилган қизлар ўртасида Ойгул Омонмуродовани 6/3, 6/2 ҳисобида доғда қолдирган Комила Дадахўжаева, 1986 йилда туғилган қизлар ўртасида Лолита Франгулян устидан 6/3, 6/2 ҳисобида устун келган Варвара Лепченколар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

1983—85-йилларда туғилган ўсмирлар баҳсида Денис Салимсоқов ғолиб чиқди. У финалда «испаниялик» Мурод Иноятов устидан 6/0, 6/3 ҳисобида ғалаба қозонди. 1986 йилда туғилган болалар ўртасида эса Ян Богданович доғда қолдирган Фаррух Дўстов зафар қучди. Ғолибларга НЕК корпорацияси, «Бўстон» ва «Найтов» қўшма корхоналари томонидан ажратилган компьютерлар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари таъсис этган рағбатлантирувчи мукофотлар, барча иштирокчиларга эса НЕСЛЕ компаниясининг эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақа якунлангач унинг ташкилотчилари ва ҳомийларининг фикрларини қоғозга туширдик.

**Жаноб КАРЛ,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи:**

— Очиғини айтганда Ўзбекистонда бунчалик кучли ёш теннисчилар бор деб ўйламагандим. Албатта, бу ўзбек теннисчиларининг ёш ва умидли авлодидир. Ўзбекистонда янада кўпроқ болаларни теннисга жалб қилиш мақсадида келгусида «Болалар» мусобақаларини барча вилоятларда ташкил этамиз.

**Атсуша КАВАБАТА,**
**НЕК корпорацияси Марказий Осиё бўйича ваколатхонасининг раҳбари:**

— Барча гувоҳ бўлганидек, ваколатхонамизнинг БМТнинг Ўзбекистондаги ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган «Болалар» турнири жуда муваффақиятли ўтди. Унда бир нечта янги номлар кашф этилди. Корпорациямиз бундан кейин ҳам ушбу мусобақаларни қўллаб-қувватлайверади.

***Дилмурод ИСМОИЛОВ***

*Маҳалла*

# ЯНГИ ГУЗАР

Халқимизда «Ҳашар — элга ярашар» деган доно нақл бор. Ана шу нақлга амал қилган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Исломобод» маҳалласи аҳли ибратли ишни амалга оширдилар. Маҳаллада ташландиқ, қаровсиз жой ўрнига маҳалла фаоллари ташаббуси ва аҳоли кўмаги билан замонавий, барча қулайликларга эга бўлган гузар ҳашар йўли билан барпо этилди.

— Шуниси қувончлики, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валихон Ходиев, — гузарни бунёд этишда барча маҳалла аҳли ҳамжиҳатликда меҳнат қилди ва ўз аҳилликларини яна бир бор намоён этишди. Маҳалламизда истиқомат қилаётган мингдан ортиқ хонадон аҳли эндиликда бу ерда яратилган барча қулайликлардан баҳраманд бўлишади. Албатта, маҳалламиз гузарининг кўркам ва замонавий бўлиши, бу ерда фаолларнинг ишлаши учун барча шароитларнинг яратилганлиги — буларнинг барчаси фаровон ҳаётимиздан, одамларимизнинг бир-бирларига меҳр-оқибатидан нишонадир.

Янги очилган маҳалла гузарида маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кенгаши хоналари билан биргаликда гўшт дўкони, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхона ҳамда сабзавот ва мевалар, сут ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи деҳқон бозорчаси ҳам ўрин олган.

Ушбу гузарни бунёд этишда маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта бўлди. Айниқса, Обид Муҳсимов, Карим Юнусов, Тошкенбой Холиқов, Аваз Акромов сингари фаоллар ҳар бир ишда ёшларга бош-қош бўлишди.

Маҳалламизга ўзгача чирой бахш этган бу масканда яратилган қулайликлар, айниқса биз аёлларни қувонтирди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Феруза Самиғова. — Беҳудага вақтимиз кетмайди, чунки бу ердаги бозорчадан ҳамма нарсани харид қилиш, маиший хизмат турларидан фойдаланиш мумкин бўлди.

Гузарнинг тантанали очилиш маросимида туманнинг 50 та маҳалласидан меҳмонлар иштирок этишди ва «Исломобод» маҳалласи тажрибасини қўллаб-қувватлашди.

***Дилноза ҒИЁСОВА.***
***СУРАТЛАРДА: маҳалла оқсоқоли Валихон Ходиев (чапдан иккинчи) маҳалла фаоллари билан; гузарнинг умумий кўриниши.***
***Рустам Шарипов олган суратлар.***




***Одам тафтини одам олади, дейишади: Албатта, бу ҳақ гап. Кўнглинг хурсандчиликданми, ғамданми тўлиб турган пайтда, ким биландир гаплашсанг бироз бўлсада енгил тортасан. Айниқса, сенинг севинчингдан қувонадиган, дардларингга малҳам бўладиган одам бўлса нур устига аъло нур бўлади. Ана шундай пайтда бир қувончинга ўн қувонч қўшилади, дил яраларинг дардкашинг таскинидан даво олади. Бизнинг «Ишонч телефони»миз ҳам ҳамшаҳарларимиз шодлигидан қувониб, уларнинг ҳасратларини жон қулоғи билан тинглаб, ўз вақтида йўл-йўриқлар кўрсатувчи, шу билан бирга уни барча муштарийлар билан баҳам кўрувчи ҳақиқий дардкашга, дил изҳорини оммага етказиб уларнинг маънавий тарбиясига муҳим ҳисса қўшишга интилаётган кўмакчига айланиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди.***

*«Ишонч телефони» хизматингизда*

# БЕФАРҚ ҚОЛМАЙМИЗ

Айниқса, ушбу ҳафтада таҳририятимизга қўнғироқ қилган онахонларимизнинг деярли барчаси қўшни Қирғизистоннинг Боткент туманида рўй бераётган воқеаларга ўз муносабатларини билдиришиб, тинчликнинг қадрига етиш, уни қўриқлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини ва фарзандларимизни она Ватанга, бебаҳо неъмат — мустақилликка меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

**«Менинг гапларимни барча ўғил-қизларимга газетангиз орқали етказинг, болам,** — дедилар Собир Раҳимов туманидан қўнғироқ қилган 82 ёшли аямиз Бибисора Ғафурова. — **Болаларим, мен 9 боланинг онаси, 25 набиранинг бувиси сифатида ёшимни яшамоқдаман. Сизлар Ватан улуғлигини, унинг тупроғи муқаддаслигини унутманг. Душманларнинг ёлғон ваъдаларига учманг. Чунки сотқинларни ҳеч ким кечирмайди, фақат лаънатлайди, холос».**

Миробод тумани, Чимкент кўчасида яшовчи онахонимиз Фотима ая Умрзоқованинг гаплари эса, албатта бугунги кунда фарзанд тарбияси учун масъул оналаримизга ибрат бўла олади: **«16 февраль воқеалари барчамизни ҳушёрликка даъват этди. Бугунги Қирғизистон ҳудудидаги жангариларнинг ноҳақ ҳаракатларидан ҳамма огоҳ бўлишини истайман. Шу боис ҳам баъзида иш, баъзида бозор деб елиб-югураётган аёлларимиз фарзанд тарбиясини ҳам унутмасинлар. Айниқса, ўсмир ўғил-қизларимизнинг босган қадамларидан ҳар лаҳзада огоҳ бўлайлик, ахир улар мустақиллигимизни, ўзлигимизни асрагувчиларку»,** — қўнғироқдан аянинг куйиниб айтган гаплари, албатта, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Баъзан бефарқлигимиз, кўпинча фақат ўз манфаатимиз йўлида қайғуришимиз ёмон оқибатларга сабаб бўлишини унутиб қўямиз. Фожеа содир бўлгач эса елиб-югуриб айбдор эмаслигимизни исботлашга уринамиз. Лекин виждон азоби ҳақида ўйламаймиз. Юнусободдан сим қоққан Муҳтабар Содиқова ана шу ҳақда куйиниб гапирдилар. **«30 ёшли қўшнимнинг турмуш ўртоғи овқатдан заҳарланиб касалхонада вафот этди. 3 нафар гўдак-етим қолди. Кейин эшитишимизга қараганда «Тез ёрдам» да олиб кетилган беморга эрталабгача биронта жўяли ёрдам кўрсатилмаган. Навбатчи шифокор эса номига бир-икки уколни буюриб, ўзи хонани ичидан қулфлаб ухлаб қолган... Лекин бемор вафот этгач, ҳамширалар билан келишиб, бемор бу ерда биринчи ёрдам кўрсатилиб, бошқа бўлимга ўтказилган деб варақа тўлдирган. Қани Гиппократ қасами? Ўша шифокорни 3 та гўдакнинг уволи тутмасмикан?! Мен орамизда шундай шифокорлар борлигидан ўкинаман. Шундайларни қаттиқ жазолаш керак. Чунки улар шифокор номига нолойиқ».** Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек ҳали ҳам орамизда беморнинг қўлига қарайдиган, бунинг устига билимсиз шифокорларимиз учраб турибди.

**«Автобусларда қўлига костюм, куртка, гоҳида салафан сетка осиб олиб, болалар ва аёлларнинг, кексаларнинг чўнтак ва сумкаларига «тушадиган» киссавурларга жиддий чора кўриш керак,** — деди Гулбаҳор Жалилова гўшакни кўтарганимизда. — **Неварамнинг туғилган кунига совға олгани «Чорсу» бозорига бориш учун аэропортдан 11-автобусга чиққан эдим. Тушсам сумкам қирқилган, ҳамёним йўқ. Кимга додимни айтай? Тартиб посбонлари ана шундай ярамас киссавурларни топиб, жазога тортишлари лозим. Ахир қачонгача улар одамларнинг ҳалол топган пулларига кўз олайтиришади?!»**

**«Исмим Муборак, вилоятдан келганман, тижорат билан шуғулланаман. Бу ерда ҳеч кимим бўлмагани боис, газетангиздаги «Ишонч телефони»га дардимни айтишга жазм қилдим. Ҳар ҳолда юрагим бўшаб, биронта фойдали маслаҳат оларман,** — аёл кишининг хаста овози бизни бефарқ қолдирмади. — **Тошкентда бир йигит билан танишдим. У оиласи билан ажрашганини айтди. Бир-икки ой ўтгач квартира олиб яшай бошладик ва унинг илтимоси билан уй олишга биргаликда пул тўпладик. Мен содда бўлмасам унинг гапларига лаққа тушаманми. Бир куни у уй топиб келганини, пулни тўлаш кераклигини айтди. Пулни бердим. Шу бўйи йўқолиб кетди. Кейин билсам, Сирдарёдан биринчи хотини ва 2 боласини янги уйга кўчириб келиб яшаяпти экан. Пулимни талаб қилсам «Сендан ҳеч қанақа пул олмадим» деди. Айб ўзимда бир аёлни икки боласи билан қақшатмоқчи бўлдиму ўзим чув тушдим...»** Ҳа, халқимизда «Қилмишга яраша» деган гап бор. Ўйлаймизки, Муборакнинг тақдири ўйламай қадам босаётган, бировларнинг оиласини бузмоқчи бўлган баъзи аёлларимизга сабоқ бўлади. Унга маслаҳатимиз эса, бундан буён қадамингизни ўйлаб босинг, никоҳсиз эркак киши билан яшаш ҳаром, шу туфайли ҳам сиз ўз жазойингизни олгансиз.

Яккасаройдан қўнғироқ қилган Диёра Назирова қуйидаги савол билан мурожаат этибдилар: **«Турмуш ўртоғим билан ажрашганман, 3 нафар фарзандим билан отамникида тураман. Эрим алимент тўлайди. Яқинда отам вафот этдилар. Мен фарзандларим учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оламанми?»** Диёрахоннинг саволларига мутасаддилардан қуйидаги жавобни олдик: Амалдаги пенсия Қонунининг 19-моддасига асосан вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин сиз болаларингиз учун турмуш ўртоғингиздан алимент пули оласиз, шунинг учун ҳам сизнинг фарзандларингизга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланмайди.

***Бугунги телефон қўнғироқларимиз ана шулардан иборат бўлди. Уларни азиз муштарийларимизга ҳам етказар эканмиз, фикр-мулоҳазалар билдирилган қўнғироқларни 132-11-39 рақамли телефон орқали кутиб қоламиз. Ҳар бир қўнғироқ жиринги бизни бефарқ қолдирмайди.***

***Шарифа ИЛЁСОВА.***

*Хандалак*

### Ажрашаман деганлар борми?

Улфатлардан бирининг эллик ёшлик юбилейи нишонланмоқда. Соқийнинг қўли-қўлига тегмайди. Шу вақт маҳаллада ичкиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи, хонадон соҳибининг ён қўшниси Абдураййм кўча эшикдан кириб кела бошлади. Уй эгаси дўстларига кўзини қисиб:

— Абдурайимга бир пиёла арақ ичираман, дамларингни чиқармайсан, — деди.

Бир пиёла чойдан кейин хонадон соҳиби гап бошлади:

— Абдурайимжон, сиз чиқмасингиздан илгари бугунги шодиёна кун ва табаррук хонадонда қўшним юз грамм арақ ичмаса, хотинимни қўйиб юбораман, деб оғзимга сўз олиб қўйдим. Раҳм қилинг, оилам бузилиб, олтита фарзандим тирик етим бўлиб қолмасин!

Вазиятнинг даҳшатини ҳис этган ва ноқулай аҳволда қолган қўшни кўзини чирт юмиб арақни ичиб юборди. Гулдурос қарсакдан кейин давра яна ўз маромида давом эта бошлади. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач Абдурайим улфатлар диққатини ўзига қаратиб деди:

— Орангизда яна Абдурайим арақ ичмаса, хотини билан ажрашаман, деганлар борми?

### Нос хумориси

Қодир оғзидаги носни учирма қилиб, тилининг тагига валидол ташлади. Бу ҳолни кузатиб турган дўстим Азиз сўради:

— Нима бўлди?

— Юрагим!

— Биринчи марта безовта қилаяптими?

— Мотор тушмагур анчадан бери «тақиллаб» юрибди, носвой чексам оғриқ кучаяди.

Шу касофатни ташла, қўй да!

Қодир чўнтагидан нос шишасини чиқариб, қулочкашлаб ирғитди:

— Шу шишани иккинчи марта қўлимда кўрсанг, башарамга туфлаб юбор, ғин деган — номард!

Бир ҳафтадан кейин гаражидан чиқаётган Азиз қўлидаги шишадан нос чекаётган Қодирни учратди:

— Менга қаранг, оғзига сўз олган «бир сўзлик» йигит энди башарангизга тупуришга рухсат берарсиз?

— Хотиржам бўл, бу бошқа шиша.

### Фикрнинг кенглиги

Устоз ўзининг содиқ шогирдидан сўради:

— Ёзган мақолаларимни қораламадан оққа кўчираётган вақтимда кўпинча ўзимга ёқмаган баъзи жумла ва сўзларни ўзгартириб ёзаман. Сен нима деб ўйлайсан, бунинг сабаби матндаги таҳлилнинг хомлиги, мазмуннинг бўшлиги ва айрим жумлаларнинг саёзлигиданмикин?

— Нималар деяпсиз, домлажон? Асло ундай эмас! Бунинг бирдан-бир сабаби, сизнинг фикр доирангизнинг кенглиги ҳисобланади.

***Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.***

*Бу кўза мен каби*
*ошиқзор эди,*
*Севгани қора соч бир*
*нигор эди.*
*Кўза бўйнидаги даста*
*бир маҳал,*
*Қўл эди, ёр қучиб*
*бахтиёр эди.*
***Умар ҲАЙЁМ.***

***Бугунги кулолчилик санъати ривожини билишни истаган ҳар бир инсон***

***КЕЧА***

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар биносида очилган машҳур устазода Акбаржон Раҳимовнинг «Асрлар садоси» деб номланган асарларини томоша қилиб, ўзига хос озуқа олади.***

*Санъат*

# СОПОЛ ЖАРАНГИ

Ҳақиқий истеъдод эгаси, кўп йиллар тинмай, оғишмай изланишлари, қайта-қайта тажриба ўтказишлари эвазига республикамиздагина эмас, Ўрта Осиё, МДҲ ва қатор хорижий мамлакатларнинг кўргазмалар залидан, галереяларидан унинг бетакрор композициялари ўрин олди, кўпчилик мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Акбар Муҳитдинович кулолчилик санъати сир-асрорларини даврларга бўлиб ўрганиш билан бирга кишини ўзига ром қила оладиган жозибали ечимга эга лаганлар, шокосалар, кўзалар яратди. Бу кўргазмадаги асарлар Кушон даври, Шаҳрисабз мактаби услубини қайта тиклашга, қолаверса Темурийлар даври кулолчилигига алоҳида эътибор берилган.

Уста, отаси Муҳитдин ака анъаналарини давом эттириб, устоз номидаги Тошкент Бадиий кулолчилик тажриба комбинатида сермаҳсул ижодий фаолият кўрсатмоқда. У бетўхтов изланишда. Андижон, Асака, Наманган, Ғурумсарой, Фарғона, Риштон, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Самарқанд, Ургут ва бошқа шаҳарларга ижодий сафарга чиқиб усталар билан ҳамоҳанг бўлиб яшайди, санъат денгизида сузиб юради.

— Кулолчилик санъати сир-асрорларини тўла очиш учун ҳам ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак, — дейди уста.

Акбар Раҳимов томонидан бажарилган коса, лаган ва кўзалар шакл жиҳатидан ҳам, гул чизиш, сир бериш, умумий ранглар мутаносиблигига эришиш жиҳатидан ҳам мукаммаллашмоқда. Чунки унинг ёнида ўғли — шогирди Алишер доим ҳамфикрдир. У ота-боболари ҳунарларини муносиб давом эттириб, ўзи республикамиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган кўргазмаларда отаси билан ёнма-ён ва алоҳида қатнашмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус совриндори Акбар Раҳимов БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган дастур асосида «Мовий сопол» деган шиор остида 1998 йили ҳаракат бошлаб, халқаро миқёсда илмий-амалий семинар ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатди.

— Бу ҳаракат асосида, — дейди уста, — ота-боболаримиз амалга оширган ишларни, асрлар оша бутун дунё мутахассисларини лол қолдирган, мовий гумбаз сирларини очиб, уни халқимизга, санъат ихлосмандларига намоён қилишган.

Халқимиз айтганидек, «Қимирлаган қир ошар». Ҳозирги кунларда бошқа хорижий мамлакатлардагидек, республикамизда ҳам кулолларнинг алоҳида уюшмаси, халқаро миқёсдаги ҳамдўстлик ташкилоти тузиш тўғрисидаги гаплар, маслаҳатлар бўлмоқда. Агарда шу яхши ниятлар амалга ошса, Акбаржон ва бошқа ўзбекистонлик кулолларнинг ясаган идишларининг жаранги бутун дунёга таралади.

***Маҳмуд МАМАЖОНОВ,***
***Ўзбекистон Бадиий академиясининг халқ амалий санъати шўъбаси раиси.***

***Муқимий номли ўзбек мусиқали драма театри ўзининг 60-юбилей мавсумини театрнинг таниқли актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев қаламига мансуб «Тақдир» спектакли билан бошлади.***

*Маънавият*

# ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Ушбу спектаклда икки ёшнинг садоқатли муҳаббати, тақдири, ўзбек халқи урф-одатлари ва қадриятларига ҳамоҳанг тарзда ўз ифодасини топган. Спектаклда бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайҳо Бойхонова ҳамда театр солисти Боир Холмирзаевлар маҳорат билан ижро этишган. Шунингдек, театр жамоаси халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш ниятида миллий қадриятларимизни улуғловчи, тарихимиз, буюк аждодларимизнинг бой меросини ифодаловчи, шарқона урф-одатларимизни ўзида мужассам этган, ёшларимизни Ватанга, мустақиллик ғояларига муҳаббат руҳида тарбияловчи саҳна асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш ниятидалар.

***Шарофат БАҲРОМОВА.***



*Отахонлар кенгашмоқда.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

45-АТС янги кабелга уланиши муносабати билан Чорсу мавзеи, Сузик ота кўчасининг 1-16-уйлари ҳамда унинг тор кўчаларидаги телефонлар

**1999 йил 30 сентябргача ишламайди.**

***Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.***

***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.***


Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани Халқ таълими бўлими 24-мактаб жамоаси, шу мактабнинг собиқ тарих ўқитувчиси иккинчи жаҳон уруши ногирони, халқ таълими аълочиси **Сайфиддин ҒУЛОМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Буюртма Г-0715. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6